

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВА ГУЛСАНАМ РУЗИМУРДОВНА**

**ЯНГИ ТУРДАГИ КОМПОЗИЦИОН ҚЎШИМЧАЛИ  
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
02.00.15- Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation doctor of Philosophy (PhD)**

**Турсунова Гулсанам Рузимуродовна**

Янги турдаги композицион қўшимчали портландцементлар олиш  
технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Турсунова Гулсанам Рузимуродовна**

Разработка технологии получения портландцементов с новыми видами  
композиционных добавок.....21

**Tursunova Gulsanam Ruzimurodovna**

Technology of production of Portland cement with new types of composite  
additives .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВА ГУЛСАНАМ РУЗИМУРДОВНА**

**ЯНГИ ТУРДАГИ КОМПОЗИЦИОН ҚЎШИМЧАЛИ  
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
02.00.15- Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В2022.4.PhD/Т3241 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Атабаев Фаррух Бахтиярович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Кучаров Баҳром Хайриевич**  
техника фанлари доктори  
**Юнусова Фарида Раҳмонбердиевна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг «14» март 2023 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxan@uz@mail.ru](mailto:ionxan@uz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2023 йил «01» март куни тарқатилди.  
(2023 йил «01» март даги № 33 рақамли реестр баённомаси



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Ш.С. Намазов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда, цементдаги клинкер қисмини тежашни, шу билан бирга цемент саноатида ёқилғи энергетика ва табиий хомашё сарфларини камайтиришни таъминловчи энг иқтисодий самарадор йўналиши, портландцемент (ПЦ) клинкерини майдалаш босқичида, цементнинг сифат кўрсаткичларини пасайтирмайдиган табиий ва техноген минерал қўшимчалар билан гидратли легирлаш йўли билан композицион цементлар ишлаб чиқаришдан иборат, зеро маҳаллий хомашёлар асосидаги клинкерни алмаштирувчи қўшимчаларни ишлаб чиқиш, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, таннархини пасайтириш ва унинг тақчиллиги муаммосини ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда янги турдаги композицион қўшимча (КҚ)лардан фойдаланиб юқори сифатли цементларни турларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, қўшимчали цементлар таркибларини оптималлаштириш ва олиш технологиясини такомиллаштириш; янги турдаги табиий ва техноген хомашёлар асосида паст ҳароратда куйдириладиган клинкерларни олишнинг илмий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш; композицион цементларнинг сувда қотиш вақтини қисқартириш, физик-механик ва қурилиш-техник хоссаларини яхшилаш; гибрид қўшимчали композицион цементларнинг янги турларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда янги турдаги композицион қўшимчали портландцемент (КПЦ)лар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган табиий хомашё, ёқилғи-энергия ресурсларининг етарли даражада эканлигидан келиб чиқиб давлат стандартларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар олиш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси”нинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш” деб номланган бўлимида «Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматли маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, иқтисодиёт учун муҳим бўлган маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўрнини босувчи янги турдаги композицион қўшимчали портландцементлар ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018-йил 4-майдаги ПҚ-3696-сонли “Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги; 2019-йил 20-февралдаги ПҚ-4198-сонли “Қурилиш саноати материалларини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 2019-йил 23-майдаги ПҚ № 4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё миқёсида композицион портландцементларни ишлаб чиқариш бўйича С.И.Дружинин, В.М.Юнг, В.Ф.Журавлев, И.И.Боженков, П.П.Будников, И.М.Бутт, Л.В.Волженский, В.В.Тимашев, П.Г.Комохов, Т.В.Кузнецова, Л.Г.Шпынова, Е.Ю. Ермилова, А.С.Брыков, В.К.Козлова, А.М.Манюха, А.А.Лихошерстов, Е.В.Мануйлов, Е.Ю. Малова, М.Некал, Л.Я.Крамар, А.А. ва бошқалар шуғулланганлар.

Юртимиз олимлари И.С. Канцельпольский, М.Г. Гулямов, Т.А. Отақўзиев, М.И. Искандарова, , Б.И.Нудельман, М.Я.Бикбау, З.П. Пулатов, А.А. Туляганов, Ф.Б. Атабаев, А. М. Искендеров, Г.Б. Бегжанова, З.А. Мухамедбаева, Н.Р.Рузиев ва бошқалар томонидан ҳам катта миқёсдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Шу билан бирга, саноатда фаол минерал қўшимчалар ва тўлдирувчи қўшимчаларнинг етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд: маҳаллий табиий ва техноген минерал хомашёларнинг янги манбаларни топиш ва технологик хоссаларини ўрганиш; уларни цементга қўшимча сифатида яроқлилигини аниқлаш; улардан фойдаланиб, клинкер қисмини тежаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва таннархини арзонлаштириш имконини берувчи янги турдаги композицион қўшимчали ва кам клинкерли цементларни ишлаб чиқиш; янги турдаги КҚли ПЦ ларни гидратланиш ва структура ҳосил қилиш механизмини ўрганиш; КППЦ ларни ассортиментини кўпайтириш ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш зарур бўлиб, бу ўз ечимини кутаётган долзарб муаммодир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Маҳаллий табиий ва иккиламчи хомашёлардан комплекс фойдаланиб, замонавий қурилиш материаллари ва буюмлари олишнинг илмий - амалий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда энергия- ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш” бюджет мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** янги турдаги композицион қўшимчаларнинг таркибларини ва уларни қўллаб портландцементлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қизилқум минтақаси хомашёларининг (ТФМҚ, оҳактош, апобазальт-ортосланец, кварц-далашпатли кум) кимёвий, физик-кимёвий хоссаларини, МХ талабларига мувофиқ гидравлик ва пуццолан фаоллигини ва цементга қўшимчалар сифатида фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш;

"оҳактош - ТФМҚ - апобазальт-ортосланец" ва "оҳактош - ТФМҚ - кварц-далашпатли кум" таркибли композицион қўшимчаларни шакллантириш ва уларни қўллаб композицион ПЦ ларнинг таркибларини шакллантириш;

янги турдаги композицион қўшимчаларни портландцементнинг физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш;

янги турдаги композицион қўшимчали ПЦ ларнинг гидратланиш тезлигини, уларнинг қотиш жараёнида янги ҳосилаларни юзага келиши, уларнинг ривожланиб, цемент композити микроструктураси шаклланишини аниқлаш;

янги турдаги композицион қўшимчали портландцементлар ишлаб чиқариш технологиясини блок-схемасини ишлаб чиқиш, диссертация тадқиқоти натижаларини саноат-тажриба синовларини олиб бориш ва амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий кони пелитли туффитлари асосидаги термофаоллаштирилган минерал қўшимча (ТФМҚ), Кармана кони оҳактоши, Навоий кони кварц-далашпатли куми (КДШҚ), Тиллатоғ кони апобазальт-ортосланеци (АБОС), улар асосидаги гибрид қўшимчалар ва уларни қўллаб композицион портландцементлар (КПЦ) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни янги турдаги композицион қўшимчали портландцементларни ишлаб чиқиш ва уларни қотиш жараёнида физик-механик хоссаларини шаклланиш, гидратланиш, структура ҳосил қилиш кинетикасини, структура ҳосил қилиш жараёнларини тадқиқ қилиш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий ишда КҚ учун хомашёларни таркиб ва хоссалари стандарт усулларни қўллаб аниқланди. Шунингдек, олинган янги турдаги КПЦларнинг физик-кимёвий хоссалари ва цемент композитининг микротузилиш генезиси кимёвий, рентген фазавий, ИҚ-спектроскопик ва электрон-микроскопик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

янги турдаги (ТФМҚ, оҳактош, АБОС, КДШҚ) ноорганик хомашё материалларининг физик-кимёвий, технологик хоссалари ҳамда цементга қўшимча сифатида фойдаланиш имконияти исботланган;

янги турдаги ПЦ ларга киритилаётган «“оҳактош – ТФМҚ – АБОС” ва “оҳактош – ТФМҚ - КДШҚ”» таркибли КҚ ларнинг турига қараб физик-механик хоссаларнинг ўзгариши илмий асосланган;

янги турдаги КҚли портландцементларнинг гидратланиш жараёнида гидратли янги ҳосилалар вужудга келиши, уларнинг вақт давомида

ривожланиш кинетикаси ва мукаммал структурага эга бўлган сунъий конгломерат шаклланиши исботланган;

янги турдаги КҚли портландцементларнинг қотиш жараёнида “туйилган клинкер-КҚ-гипс-сув” тизимидаги физик-кимёвий ўзгаришлар билан цемент тошининг шаклланиши ва унинг физик-механик хоссалари ўртасидаги узвий боғлиқлик аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ноорганик хомашёларнинг (ТФМҚ, оҳактош, апобазальт-ортосланец, кварц-далашпатли кум) гидравлик ва пуццолан фаоллиги аниқланган ва улардан цемент саноатида қўллаш учун композицион қўшимчаларнинг мақбул таркиблари танланган;

оддий портландцемент клинкерини янги турдаги КҚ билан гидратли легирлаш йўли билан ПЦ400-КД20 маркали КППЦларни таркиблари ва олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Қизилқум воҳаси хомашёлари асосида янги турдаги КҚли КППЦларни ишлаб чиқаришни блок-схемаси ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** физик-механик синовлар ва катта ҳажмдаги тажрибалар натижаларининг мослиги амалдаги давлатлараро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари талабларига биноан олиб борилганлиги, тадқиқотларни мувофиқлик сертификатга эга қурилма ва асбоб-ускуналар, замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (рентгенфазавий, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, оптик ва электрон микроскопик) қўллаб олинганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, янги турдаги композицион қўшимчали портландцементларни қотиш жараёнида цемент композитининг физик-механик хоссалари шаклланиш механизми, янги ҳосилаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва микротузилиши генезисини аниқлаш орқали, «таркиб-структура-хосса» ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва таннархини камайтиришни таъминловчи, арзон ва қулай маҳаллий ноорганик ингредиентлардан ташкил топган янги турдаги гибрид қўшимчалардан фойдаланиб композицион портландцемент олиш технологияси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** янги турдаги икки хил КҚ билан модификацияланган КППЦ олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги турдаги “оҳактош-ТФМҚ-КДШҚ” таркибли композицион портландцемент «Qizilqumsement» АЖда амалиётга жорий этилган («Qizilqumsement» АЖ нинг 2022 йил 28 октябрдаги 02-36/1571 – сон маълумотномаси). Натижада, ЦЕМ II/A-K(П-И)32,5Н композицион портландцемент ишлаб чиқаришни саноат миқёсида йўлга қўйиш имконини берган;



янги турдаги “оҳактош-ТФМҚ-АБОС” таркибли композицион портландцемент олиш технологияси «Qizilqumsement» АЖДа амалиётга жорий этилган («O'zsanoatqurilishmateriallari» уюшмасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 05/15-2747-сон маълумотномалари). Натижада, ҳозирда нархи қиммат бўлган клинкерни 10% гача иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, композицион портландцементнинг таннархини пасайтириш, цементнинг қурилиш-техник хоссаларини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 республика илмий-техник анжуманларида апробациядан ўтган ва маъруза кўринишида баён қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика журналларида ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, ўрганиш объектлари ва предметининг хусусиятлари, илмий ишнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги; олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, уларни цемент саноатига жорий этиш ҳолати, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар, диссертация тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Минерал қўшимчалар билан қотишмали, цемент композитларини энергия ресурсларини тежовчи технологиялари ишлаб чиқариш”** хар хил турдаги фаол минерал ва гибрид қўшимчали композицион портлендцементларни ишлаб чиқариш бўйича таркиблар ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳасидаги илмий-техник адабиётлар ва патент манбалари маълумотларига шарҳ берилган.

Қимматбаҳо ПЦ клинкерини КҚ га алмаштириш орқали тежаш учун ПЦ ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини назарий асослаш, гидратация жараёнини мақсадли бошқариш ва юқори физик-механик хусусиятларга эга таркибнинг оптимал тузилишини синтез қилиш имконини беради. КПЦ гидратация жараёнларининг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида КҚ ларни, шу жумладан фаол моддаларни ҳам, тўлдирувчи қўшимчаларни ҳам шакллантириш зарурати тўғрисида муҳим хулоса чиқарилди. Таъкидланишича, бундай қўшимчалар етарли даражада пуццолан фаоллигини намойиш этади ва  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  ни суёқлик фазасидан аста-секин

ютади, ПЦнинг гидратация жараёнининг боришига ва гидратланган маҳсулотларнинг, хусусан, кальций гидросиликатларининг аста-секин шаклланишига ёрдам беради, ғовакларни ва доналараро бўшлиқларни тўлдириб, макро ғоваклар сонини камайтиради, бу эса цемент композициясининг зичланиб гидравлик фаоллиги ПЦ-Д0 дан паст бўлмаган кам ғовакли структурасининг шаклланишига олиб келади. Ўзбекистонда фаол минерал қўшимчалар ёки КҚ ингредиентлари сифатида фойдаланишга яроқли табиий ва техноген ресурсларнинг етарли даражада кенг хомашё базаси мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиб қатор цемент корхоналарида умумқурилиш, композицион ва пуццоланли ПЦлар ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ, цемент ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш учун КҚ учун яроқли қўшимча ва ингредиентлар сифатида янги хомашё манбаларини ўрганиш керак. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий хомашёлардан КҚсифатида фойдаланган ҳолда КПЦ самарали турларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

**“Дастлабки материалларнинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобда “Qizilqumsement” АЖ ПЦ клинкери, гипс тоши, КҚ турларини шакллантириш учун мўлжалланган ингредиентлар (оҳактош, ТФМҚ, АБОС, КДШҚ)нинг кимёвий-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган.

#### 1-жадвал

#### Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиби

Материалнинг номланиши	қ.к.й.	Оксидларнинг масса улуши, %							Σ
		SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Бш.	
ПЦ клинкер	0,36	21,90	4,50	3,75	64,26	1,44	-	3,78	100,0
Гипс	400°С-19,57	1,52	0,13	0,14	33,04	0,20	43,46	1,94	100,0
Оҳактош	39,61	4,99	1,33	0,47	50,28	2,72	0,20	0,4	100,0
ТФМҚ	6,47	51,60	10,74	5,4	17,59	4,82	0,50	2,88	100,0
АБОС	9,47	46,61	14,91	8,20	8,76	3,79	0,30	7,96	100,0
КДШҚ	1,51	88,72	1,60	1,99	0,83	0,90	0,44	4,01	100,0

КҚ учун ингредиентлар сифатида ишлатиладиган хомашё конлари, захиралари, кимёвий ва минералогик таркибининг батафсил тавсифи келтирилган (1-жадвал).

Кармана кони оҳактошида карбонат бирикмаларининг умумий миқдори 95,51% ни ташкил этиб, бу уларни цемент саноатда фойдаланишга яроқли "соф" оҳактошлар деб таснифлаш имконини беради. “Qizilqumsement” АЖ да пелитли туффитларни 800°С ҳароратда куйдириш йўли билан олинган ТФМҚ-термофаоллаштирилган минерал қўшимча сарғиш рангли бўлақлар бўлиб, унинг дифрактограммаси кварц мавжудлигини аниқ тасвирлайди  $d/n = (0,426; 0,334; 0,228; 0,198; 0,181) \text{ nm}$ , кальцитнинг  $(d/n = 0,251; 0,245; 0,198; 0,167;$

0,154; 0,137) nm, дала шпати  $d/n=0,297$  nm ва гидрослюдадарнинг ( $d/n=0,320$ ; 0,297; 0,251) nm аниқ чизиклари мавжудлиги билан тавсифланади. ИҚ-спектрлари тўлқинлар сонлари оралиғида (400-800)  $\text{см}^{-1}$  максимал (490; 600; 700; 800)  $\text{см}^{-1}$  (Si, Al)-O гуруҳларининг тебранишлари натижасида юзага келадиган кенг ютилиш зоналарини аниқлайди. Спектрларнинг кенг тўлқин узунлиги оралиғида (1000-1200)  $\text{см}^{-1}$  ютилиш сони "конденсацияланган" кремнезем тетраэдрининг мавжудлигини кўрсатади.

Тиллатоғ конининг апобазальт-ортосланецнинг (АБОС) текстураси зич бўлиб, баъзи жойларда ёрилиш чегарасидаги бўлаклари қатламли, ранги кулранг, тузилиши - бир текис донадор, буткул кристалланмаган, жинсда ҳам кристалл доналар, ҳам вулқон шишаси мавжуд. АБОС дифрактограммаси кучли кварц  $d/n=$  (0,426; 0,334; 0,245; 0,228; 0,212; 0,198; 0,182; 0,167; 0,164; 0,142; 0,139) nm, пироксен ( $d/n=0,362$ ; 0,319; 0,283; 0,239; 0,209; 0,198; 0,191) nm, плагиоклаз ( $d/n=0,403$ ; 0,354; 0,260; 0,256; 0,212) nm, биотит ( $d/n=0,472$ ; 0,354; 0,167; 0,158; 0,154) nm, анортит ( $d/n=0,426$ ; 0,319; 0,228; 0,191; 0,182) nm, оливин ( $d/n=0,245$ ; 0,239; 0,202; 0,172; 0,167; 0,144; 0,142; 0,139) nm, диопсид ( $d/n=0,256$ ; 0,245; 0,212; 0,209) nm,  $\alpha$ - кристобалит ( $d/n=0,498$ ) nm,  $\beta$ -кристобалит ( $d/n=0,472$ ) nm, каолинит ( $d/n=0,708$ ; 0,356; 0,239; 0,167; 0,144; 0,142) nm, дала шпати- $\text{CaAl}_2\text{Si}_2\text{O}_3$  с  $d/n=0,319$ ; 2,50; 212) nm чизикларини аниқлайди. ИҚ-спектрлар Si-O-Si боғининг чўзилган тебранишлари билан боғлиқ бўлган, энг юқори тўлқин узунлиги 1000,51  $\text{см}^{-1}$  бўлган кенг ютилиш зонаси мавжудлигини кўрсатган. Қолган дискрет ютилиш зоналари Si-O-Si боғининг эгилиш тебранишларига, кремний-кислород тетраэдраларининг тебранишларига ва турли хил полиморф модификациядаги  $\text{Al}_2\text{O}_3$  шакллари учун Al-O-Al боғланишининг тебранишларига ишора қилади.

Навоий конининг кварц-дала шпатли кумининг кўриниши майда донадор, сарғиш рангли оч жигар ранг тусда бўлиб, юмалоқ бўлмаган доналари турли ўлчам ва шаклга эга. 1- жадвалга кўра, КДШҚ нинг кимёвий таркибида кварцнинг (88,72%  $\text{SiO}_2$ ) миқдори устунлик қилади, Ca, Al, Fe, Mg оксидлари унча кўп эмас. Рентген фазавий таҳлил унда кварцнинг кучли чизиклари борлигини кўрсатди  $d/n=(0,334$ ; 0,245; 0,228; 0,222; 0,212; 0,181; 0,167....) nm, кальцитни  $d/n=(0,324$ ; 0,245; 0,198; 0,167; 0,154....) nmда, гипсни  $d/n=(0,424$ ; 0,212; 0,138; 0,137) nmда суръати суст чизиклари, унинг таркибида қўшилма карбонат жинслари, гипс ва гилларнинг мавжудлигини кўрсатади. КДШҚнинг ИҚ спектрлари тўлқинлар максимал Si-O-Si кремнезем боғининг спектрларнинг (400-1200)  $\text{см}^{-1}$  оралиғида тўлқин сонининг энг юқори қийматлари (454,24; 690,04; 462,94; 788,41)  $\text{см}^{-1}$  бўлган ютилишларнинг кўриниши билан тавсифланаган бўлиб, бу унинг координацион ва деформацион тебранишлари натижасида юзага келади.

Тўлқинлар сони (900-1200)  $\text{см}^{-1}$  оралиғида кузатилган кенг ютилиш майдони, алюмосиликатлар таркибига магний, натрий, калий ионлари ва  $\text{SO}_4^{4-}$  анионининг жойлашганлиги, яъни дала шпатларидаги оксидли таркибий қисмларнинг спектрларининг тебранишлари сабабли пайдо бўлган.

Олинган натижаларга асосланиб, ўрганилган хомашёлар асосидаги КҚ лардан фойдаланган ҳолда КПЦ олиш учун таркиблар ва технологияларни ишлаб чиқиш учун, ПЦни физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш учун уларнинг гидравлик ва пуццолан фаоллигини аниқлаш, мақсадга мувофиқ деган хулоса чиқарилди. Бу бобда диссертация тадқиқотида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, мосламалар, қурилмалар ва тажриба усуллари ҳам тасвирланган.

Учинчи “Янги турдаги гибрид қўшимчалар асосида портландцементларнинг технологияларини ишлаб чиқиш” бобда ўрганилаётган қўшимчаларнинг гидравлик ва пуццолан фаоллигини ва уларнинг ПЦ нинг физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.


ТФМДнинг сиқилишда заиф гидравлик фаолликка эга эканлиги аниқланди. АБОС ва КДШҚ ҳам Стъудент t-мезонини ҳисоблаш учун етарли гидравлик фаолликка эга бўлмади. Шунинг учун улар тўлдирувчи-қўшимча сифатида таснифланади ва уларнинг цемент учун қўшимча сифатида яроқлилиги СаОни ютиш қобилияти, яъни кимёвий фаоллиги (пуццоланлик қобилияти) орқали аниқланади. Суюқ фаза билан тўқнашувда бўлган цементлар таркибидаги қўшимчаларнинг гидравлик фаоллиги натижалари 2-жадвалда келтирилган. Амалдаги усулга мувофиқ, олинган маълумотларга ишлов бериш график шаклида амалга оширилди (1–расм).

## 2 -жадвал

### Цемент билан тўқнашувда бўлиб, оҳак билан тўйинган суюқ муҳитдаги қўшимчаларнинг гидравлик фаоллиги

№ қўшимчали цемент	Қўшимчанинг номи	Суюқ фазадаги СаО нинг миқдори, mmol/l	эритмадаги умумий ишқорийлик, mekv/ l
№ 1Ц	ТФМҚ	3,86	58,00
№ 2Ц	КДШҚ	8,39	56,80
№ 3Ц	АБОС	6,80	57,20
№ 4Ц	оҳактош	3,0	68,0

ТФМҚ 30 кун ичида 15 марта титрланганда, оҳакнинг тўйинган эритмасидан 287,14 мг СаОни ютган. ТФМҚли цемент намуналари сақланган суюқликдаги СаОнинг миқдори 3,86 ммол/л ни, эритманинг умумий ишқорийлиги эса 58,00 мекв/л ни ташкил этди.



Оҳактош унинг цементли қўшимчаси сақланган намуналар эритманинг умумий ишқорийлигини оширди. КДШҚли цемент намуналари сақлаган суюқликдаги СаО миқдори 8,39 ммол/л, эритманинг умумий ишқорийлиги 56,80 меку/л ни ташкил этди. СаОнинг энг кам ютиш қобилияти КДШҚда эканлиги аниқланди, чунки КДШҚли цемент намуналари сақлаган эритма энг юқори ишқорийликка эга (8,39 ммол /л). Оҳакнинг тўйинган эритмасида 30 кун сақланган КДШҚ 94,2 мг СаО ютган, бу унинг АБОС ютган миқдордан бир оз кўп. Графикдаги 1, 2, 3, 4 нуқталарнинг жойлашувидан кўриниб турибдики, барча қўшимчалар ПЦнинг гидратацияси жараёнида ажралиб чиқадиган СаОни ютиш қобилиятига эга. ТФМҚ энг юқори оҳакни ютиш фаоллигини кўрсатди (1-расм, 3-нуқта). Пуццолан фаоллигининг камайиши буйича қўшимчалар қуйидаги тартибда жойлашади: ТФМҚ → АБОС → КДШҚ → Оҳактош. ПЦни гидратация қилиш жараёнида кимёвий фаолликни ошириш учун ва уларни улар цемент тошининг қаттиқлашиши таъсирини кучайтириш учун, турли хил композицияларда қўллаш тавсия этилди.

ГОСТ 31108-2020 талабларини ҳисобга олган ҳолда, янги турдаги КҚли КПЦ олиш учун шихталар тузилди, жумладан:

1-таркиб: 75%ПЦ клинкер+12%оҳактош+3%ТФМҚ+5%АБОС+5%гипс;

2-таркиб: 75%ПЦ клинкер+12%оҳактош+3%ТФМҚ+5%КДШҚ+5%гипс.

Қийин майдаланадиган клинкер улушини 20% га камайитириш, тажриба шихталарини майдалаш жараёнини сезиларли даражада тезлаштирди: ПЦ-Д0 олиш учун шихтанинг тўйилиш даражаси 30 мин давомида №008 (4900отв/см<sup>2</sup>) элакда қолган қолдиқ 10% ни ташкил этган ҳолда, “ПЦ клинкер+Оҳактош+ТФМҚ+АБОС+гипс” КҚли шихта 20 минут майдаланганда қолдиқ 6%ни, “ПЦ клинкер+Оҳактош+ТФМД+КПШП+гипс” ни эса – 5,8% ни ташкил этди.


КПЦни тишлашиш вақти ПЦ-Д0га қараганда анча олдинроқ содир бўлди ва охири эса уники каби (5 соатдан кейин) бўлди ва бу қийматлар ГОСТ 10178 ва 31108 талабларига жавоб беради. Уларнинг мустаҳкамлиги ГОСТ 310.4 талабларига мувофиқ аниқланди. 20% гача янги турдаги КҚларнинг

киритилиши ПЦнинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатмади: “оҳактош+ТФМҚ+АБОС” КҚли КПЦни сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичи 3 суткада матрица даражасига етди, 28 суткада ҳатто ундан 0,8 МПа га юқори бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

**Гибрид қўшимчали ПЦ нинг физик-механик кўрсаткичларига таъсири.**

№ цемент таркиби	Цемент белгиланиши	Майдалаш вақти, min	Элакда қолган қолдиқ №008, %	Қ.К. %	Тишлашиш муддати, h - min		эгилиш/ сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси МПа,	
					боши	охири	3d	28d
	ПЦ-Д0	30	10,0	25,7	3-20	5-00	5,6/21,4	6,2/40,2
1*	ПЦҚД20	20	6,0	27,0	2-40	5-00	4,65/21,4	7,25/41,0
2*	ПЦ ҚД20	20	5,8	28,0	2-45	5-05	4,65/14,7	7,1/40,18
1-таркиб*-75% ПЦ клинкер+12 % Оҳактош+3 % ТФМҚ+5 % АБОС+5% гипс								
2-таркиб*-75% ПЦ клинкер+12 % Оҳактош+3 % ТФМҚ+5 % ҚДШҚ+5% гипс								



**2-расм. Янги турдаги гибрид қўшимчали КПЦ ишлаб чиқариш блок-схемаси**

Таркибида 20% “оҳактош+ТФМҚ+ҚДШҚ+гипс” КҚли цемент композициясининг мустаҳкамлиги 3 суткадан кейин ПЦ-Д0 никидан биров

пастроқ бўлди, лекин кейинчалик мустаҳкамлик ошди ва унинг кўрсаткичи 28 сутка ичида ПЦ-Д0 никига етди.


Истеъмолчиларга маҳсулотни жўнатиш учун хомашёни қазиб олиш ва тайёрлашдан тортиб, янги турдаги КҚли КПЦ ишлаб чиқаришнинг блок схемаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда янги турдаги КҚли КПЦ ишлаб чиқариш технологик жараёнининг барча босқичлари ҳисобга олинган (2-расм).

**“Янги турдаги портландцементларнинг қотиш жараёнида янги ҳосилаларнинг вужудга келиши, уларнинг генетик ривожланиши ва композитнинг шаклланиши”** мавзусидаги тўртинчи бобда, янги турдаги КПЦ нинг қотишида гидратланиш ва структурани шаклланиш кинетикасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. КҚ ларнинг, шу жумладан "оҳактош-ТФМҚ-АБОС" ва "оҳактош-ТФМҚ-КДШҚ" лар ПЦ-Д0 нинг гидратланиш тезлигига таъсири КПЦ лардаги сувнинг умумий миқдори билан аниқланди.

#### 4-жадвал

#### 20 % КҚ ли портландцементларнинг қотиш даврида сув билан боғланиш тезлиги

№ т/р	Цементларни шартли белгиланиши	Кимёвий боғланган сув миқдори (сут):				
		2	3	7	28	90
1	ПЦ-Д0	7,77	11,89	13,24	21,04	21,04
2	ПЦ-Д20 АБОС	9,22	11,46	11,20	13,25	22,09
3	ПЦ-Д20 КДШҚ	9,55	11,44	14,12	14,20	22,71



#### 3-расм. КҚ тури ва қотиш вақти бўйича КПЦларни гидратланиш тезлигининг ўзгариши

4-жадвал ва 3-расмдаги маълумотларга мувофиқ, "оҳактош-ТФМҚ-АБОС" ва "оҳактош-ТФМҚ-КДШҚ" қўшилиши билан ПЦни қотишининг дастлабки давридаги гидратли маҳсулотларига боғланган сув миқдорининг соф клинкер цемент намуналарига қараганда тахминан 1,45% ва 1,48% га кўплиги, КҚларда ТФМҚ билан бирга кирган тупроқ компонентларининг иштироки билан боғлиқ деб тушунтирилади. 3-суткага келиб, КПЦдан



олинган намуналардаги боғланган сув миқдори матрица намуналарига нисбатан бироз камроқ ва улар орасидаги фарқ сезиларли эмас.

КҚ "оҳактош-ТФМК-АБОС"ли КПЦнинг 2 сутка давомида қотган дифрактограммасида клинкер минералларини чизикларидан ташқари,  $\text{CaCO}_3$   $d/n=0,303$  nm даги чизиги топилган ва у  $\text{C}_3\text{S}$  чизиклари устига тушиб, унинг суръатини оширган.  $\text{CaCO}_3$  ни қолган чизиклари  $d/n=(0,248; 0,228; 0,208; 0,190; 0,153)$  nm да намоён бўлган,  $d/n=(0,424; 0,333; 0,244; 0,228; 0,192; 0,168; 0,153; 0,148)$  nm да  $\text{SiO}_2$  га хос чизиклари аниқланди. КПЦни асосий гидратланиш маҳсулотларидан бири  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  бўлиб, унинг аниқ чизиклари  $d/n=(0,489; 0,262; 0,192; 0,176; 0,160, 0,148)$  nm да кўринади  $d/n = (0,559; 0,352; 0,306; 0,296; 0,270; 0,248; 0,228...)$  nm да тоберморитнинг  $5\text{CaO}\cdot 6\text{SiO}_2\cdot 5\text{H}_2\text{O}$  сусти чизиклари топилган. 3 ва 7 суткада алит ва белит чизикларининг суръати кескин пасайиб,  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  чизиклариники эса ошган, бу силикат минералларини гидролизлаш жараёнининг тезлашишини кўрсатади.  $d/n=(0,756; 0,296; 0,168)$ nm даги заиф суръатли чизик цементни бошланғич қотиш даврида  $3\text{CaO}\cdot \text{Al}_2\text{O}_3\cdot \text{CaCO}_3\cdot 12\text{H}_2\text{O}$ -учкальцийли гидромонакарбоалюминат ҳосил бўлганлигини кўрсатади.


Вақт ўтиши билан калций гидросиликатларнинг қайта кристалланиши содир бўлади, чунки  $d/n=0,559$  nm даги чизик дифрактограмма чизигида йўқолиб,  $d/n=0,698$  nm да чизик пайдо бўлди, бу  $6\text{CaO}\cdot 3\text{SiO}_2\cdot \text{H}_2\text{O}$ -деллаитга хосдир. 28-суткагача цемент композициясининг дифрактограмма схемаси янада тартибли бўлиб, дастлабки силикат минералларининг ҳам,  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  ва  $\text{SiO}_2$  чизикларининг ҳам суръати сезиларли даражада камаяди, бу уларнинг ўзаро таъсирини ва юқори асосли калций гидросиликатларининг паст даражаларига ўтишини кўрсатади. Булар цемент композициясининг сиқилиш даражасини матрица даражасига етишида, унинг гидравлик фаоллигини оширадиган асосий тоберморит шакллари дир. Юқорида айтилганлар ИҚ-спектр маълумотлари билан ҳам тасдиқланган, чунки гидратланишнинг кейинги давларида композитнинг ИҚ-спектрлари гидросиликат, гидросулфоалюминат ва гидрокарбоалюминат тузилмаларига хос бўлган спектрларнинг ютилиши ўзгаришини кўрсатади: “туйилган клинкер-гипс тоши-оҳактош-ТФМК-АБОС-сув” тизимида уларнинг миқдори ортиши алит гидролизланишининг тезлашиши ҳисобига эканлигини кўрсатади; суяқ фазадаги  $\text{Ca}^{2+}$  ионларини камайиши минерал қўшимчалар улар билан кимёвий ўзаро таъсирлашиши натижасида содир бўлади. Бу айниқса, 28 ва 90 сутка давомида қотган цемент композитининг ИҚ спектрларида яққол намоён бўлади, бунда  $1478,41$  ва  $1478,45$   $\text{cm}^{-1}$  тўлқинлар сониди кальций гидрокарбоалюминатларини кристалланиши туфайли спектрларнинг акс эттириш қийматлари ҳам ўзгарганлиги яққол кўринади.

Электрон микроскоп маълумотларига кўра, КПЦни сув билан аралаштиргандан сўнг, гидролитик диссоциация сиртнинг фаол жойларида  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{OH}^-$  ионларини суяқ фазага чиқиши билан содир бўлади. Натижада клинкер минералларнинг заррачалари сирт қатламида силикат гуруҳлари ионларидан иборат субмикроструктурларнинг юпқа қатлами ҳосил бўлиб, ПЦ



доналари юзасини қоплайди (4-расм). Бу вақтга келиб эттрингит игнасимон ва ингичка призма шаклда кристалланади, гидроалюминатлар, гидроферритлар ва  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  эса олти қиррали пластинкалар шаклида бўлади. Шу билан бирга, асослилиги пасайган (тоберморитга ўхшаш гел) кальций гидросиликат кристалларининг устун миқдордаги ивиқлари оз миқдордаги гидросулфоалюминатлар ва гидрокарбоалюминатларни қамраб олади, шунинг учун улар қотишнинг дастлабки босқичларида аниқ идентификациялашмаган.

7-суткага келиб, гидратланиш жараёни жадаллашади ва силикат минералларининг сув билан ўзаро таъсири тезлашиб, "КПЦ-сув" тизимида тоберморит миқдори устунлик қилади. 28-суткага келиб, КПЦнинг маркасини таъминловчи гидравлик фаолликка эга композитнинг синиқ юзаси турли тарафларга қараб йўналган кристал агрегатларнинг зичланган блоклардан иборат камғовакли тузилмаси билан ифодаланади. Ҳар хил тузилишга эга кристалл агрегатлардан ва бир-бирининг устида сингишиб қатламлашган блокларнинг ўсиб чатишиши натижасида, зичланган ғовакли структура ҳосил бўлади ва КПЦнинг узок муддатли қотиш жараёнида композитнинг ғовакларида яна майда кристаллар ўса бошлайди, бу "туйилган клинкер-гипс-АБОС-сув" тизимидаги таркибий қисмларнинг кимёвий ўзаро таъсири жараёнининг узлуксизлигини кўрсатади ва гидратли структурани янада зичлашишига ҳамда цемент композитини янада мустаҳкамланишига олиб келади (4-расм).




**4-расм. 2 (А), 7 (Б), 28 (В) суткалик "оҳактош+ТФМК+ АБОС" КҚ ли ПЦларнинг қотгандан кийинги синиқ юзасининг электрон микрофотосуратлари (x1000)**

КҚ "оҳактош-ТФМК-КДШҚ"ли ПЦнинг дифрактограммасида клинкернинг силикат минералларидан ташқари,  $\text{CaCO}_3$   $d/n = (0,302; 0,227; 0,209; 0,187 \dots) \text{ nm}$ ,  $\text{SiO}_2$   $d/n = (0,302; 0,227; 0,209; 0,187; 0,153 \dots) \text{ nm}$ ,  $\text{SiO}_2$   $d/n = (0,423; 0,333; 0,227; 0,212; 0,181; 0,169; 0,153; 0,148 \dots) \text{ nm}$  ларнинг ҳам дифракция тасвирлари пайдо бўлган,  $d/n=0,727 \text{ nm}$  да  $3\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{CaCO}_3 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$  геленитга, характерли.  $d/n = (0,490; 0,310; 0,269; 0,192; 0,179; 0,169; 0,148) \text{ nm}$  да эса тўрт кальцийли кальций гидрокарбоалюминатга хос чизиқларининг пайдо бўлиши, янги турдаги КДли ПЦ нинг 2 суткада гидратланиши  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  нинг ажралиб чиқиши билан кечишини кўрсатади, асосий силикат минералларнинг чизиқларини суръати 3-

суткада сезиларли даражада пасаяди,  $d/n=0,727$  nm да чизик йўқолади ва  $d/n=0,504$  nm да суръати суст чизик пайдо бўлади. Бу этрингит –  $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot3\text{CaSO}_4\cdot32\text{H}_2\text{O}$  ҳосил бўлишини кўрсатади. 7 суткага келиб дастлабки клинкер минераллари, КК ва  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  чизикларининг суръати сезиларли даражада камаяди. Кўп компонентли боғловчи тизимда  $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{CaCO}_3\cdot12\text{H}_2\text{O}$  ва  $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot3\text{CaSO}_4\cdot32\text{H}_2\text{O}$  бирга мавжудлиги кузатилди.

Цемент композитининг 28-суткалик дифрактограммаси анчагина тартиблашганлиги аниқланди, бунда асосий гидратли маҳсулотлар  $\text{Ca}(\text{OH})_2$ , этрингит ( $d/n=0,555$ ;  $0,385$ ;  $0,227$ ) nm, олти кальцийли карбогидроалюминат ( $d/n=(0,383$ ;  $0,258$  nm)  $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot3\text{CaCO}_3\cdot32\text{H}_2\text{O}$  дан иборат. Тоберморит  $5\text{CaO}\cdot6\text{SiO}_2\cdot5\text{H}_2\text{O}$   $d/n=(0,307$ ;  $0,298$ ;  $0,280$ ;  $0,228$ ;  $0,208$ ) nm чизиклари  $\text{SiO}_2$  чизиклари билан қўшилиб, уларнинг суръатини бирмунча оширади ва уларнинг диффракция акс тасвирлари қийматларини ўзгартиради.

"Оҳактош-ТФМД-КДШҚ" КҚли ПЦнинг ИҚ-спектрлари 2 суткадан сўнг  $3000\text{--}3800\text{ см}^{-1}$  тўлқинлар оралиғида чўкқилари  $3428,56$  ва  $3671,71\text{ см}^{-1}$  даги тоберморит таркибидаги гидросиликатларга хос ютилишлар содир бўлганлигини кўрсатди. Ютилиш чизиги ўлчамининг ошиши ва 3-ойда қийматларини ўзгариши КПЦни гидратланиш жараёнининг тезлашганлигини ва тоберморит кристаллари миқдорининг кўпайганлигини кўрсатди. Чўкқилари  $872,80$ ;  $1000,10$ ;  $1080,11\text{ см}^{-1}$  тўлқин сонларидаги ютилишлар гидрокарбоалюминат ва этрингитни ташкил этувчи карбонат ва сульфат гуруҳларининг деформация тебранишлари натижасида юзага келган. 7-суткага келиб, цемент композитининг ИҚ-ютилиш спектрлари бироз ўзгарди, 28 ва 90-суткаларда ютилиш чуқурлигига кўшимча равишда,  $1481,34\text{ см}^{-1}$  ва  $1490,38\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунлигидаги кальций гидрокарбоалюминатлари мавжудлигини тавсифловчи спектрларни акс тасвир қийматлари ўзгарди.



**5-расм. Оддий шароитларда 2(А), 7(Б), 28(В) суткада қотган “оҳактош-ТАМД-КПШП” КҚ ли ПЦ лар синиғи юзасининг электрон микрофотосуратлари (x1000).**

КПЦ 2 сутка қотганидан сўнг клинкер доналарининг юзаси бўкиб, ундан этрингитни ўта майда игнасимон ва толасимон кристаллари ва гидросиликатларни аниқ шаклга эга бўлмаган кристалчаларидан иборат ивиқ билан қопланади. Худди шу нарса ҳаво ғоваклари ичида ҳам содир бўлди, бу

ерда турли йўналишларда бетартиб ўсаётган игнасимон ва толасимон кристаллар қотаётган массада тўрсимон синч ҳосил қилади ва ғовакларни тўлдириб, уларнинг ўлчамларини кичрайтиради (5-расм).

Гидратланиш жараёнининг чуқурлашиши туфайли 7-суткага келиб, синган юзанинг рельефи, доналараро бўшлиқларда ва ҳаво ғоваклари ичида турли шаклдаги (куб, призма, олти бурчакли, қатламли, аниқ шаклсиз) янги ҳосилаларнинг бетартиб ўсиши уларда кузатилади, чатишиб, бир бирида эриб ва зич жойлашиб, параллел йўналган яхлит блоклардан иборат ғадир-будир сиртга эга (5-расм).

Гидратланган "композицияли цемент-сув" тизимининг умумий массасини синиқ юзасида "эриш" босқичида бўлган толали кристалларнинг мавжудлиги қайд этилган. 28 ва 90-суткада цемент композити зич жойлашган блоклардан ташкил топган блокли-ритмик структурага эга. Давом этаётган гидратланиш жараёнида сувнинг ички қатламларга кириб бориши баъзи жойларда ички тарангликларни келтириб чиқаради, натижада ва  $\text{Ca}^{2+}$  ионлари гидратланмаган клинкер доналаридан суюқ фазага сизиб ўтишида "сирғалувчи жўяклар" пайдо бўлади ва яна гидросиликат ивиқлари пайдо бўла бошлайди. Бу эса гидратланмаган клинкер доналари, қўшимчалари, кристалл блокларини "елимлайди", ғоваклар ва ёриқлар "ўз-ўзини даволаши", макроғовакларни камайтириб, микроғовакларни кўпайишини таъминлаб, цемент композитини зичлайди ва мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, гибрид қўшимчали ПЦларнинг микро тузилмасини шаклланиши, таркибида юқори фаол ПЦ клинкерининг 20% гача пасайишига қарамай, цемент композитларининг мустаҳкамлигини ПЦ400-Д0 даражасигача кўтарилиши, "оҳактош+ТФМҚ + АБОС" ва "оҳактош+ТФМҚ+ КДШҚ" таркибли КҚларнинг гидратланиш, фаза ҳосил бўлиш жараёнларига ижобий таъсири туфайли эканлиги аниқланди.

**“Янги турдаги композицион портландцементларнинг технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобда “Qizilqumsement” АЖ да янги турдаги ПЦ400-КД20 ишлаб чиқариш учун “оҳактош + ТФМҚ + АБОС” ва “оҳактош + ТФМҚ + КДШҚ” қўшимчали ПЦларни таркиблари ва олиш технологияларини синовдан ўтказиш натижалари келтирилган. Физик-механик кўрсаткичлари бўйича янги турдаги КПЦлар О'з DSt 2830:2014 ни ПЦ400-КД20 маркали цементга ва ГОСТ 31108–2020 ни ЦЕМ II 32,5 Н цемент синфига қўйган талабларига жавоб бериши аниқланди. Тавсия этилган таркибларни ижобий синов натижалари асосида янги турдаги гибрид қўшимчали КПЦ олиш технологияларини “Qizilqumsement” АЖ да жорий этилди.

Ҳисобланган маълумотларга кўра, ПЦнинг клинкерини 20% гача тежалиши ҳисобига «оҳактош + ТФМҚ + АБОС» ва «оҳактош + ТФМҚ + КДШҚ» КДли ПЦларнинг таннархи тегишлича 43 775,31 сўм/т ва 44 209,36 сўм/т. га арзонлашди. Йилига 2 турдаги КПЦдан 2 миллион тонна ишлаб чиқарилгандаги умумий иқтисодий самара қарийб 78 миллиард сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Келиб чиқиши табиий ва техноген турдаги ҳар хил хомашёлардан цементга фаол минерал қўшимчалар ва композицион қўшимчалар ҳосил қилиш учун ингредиентлар сифатида фойдаланиш самарадорлиги назарий жиҳатдан асосланди.

2. Стъюдент мезони (t-Стъюдент) қиймати бўйича ТФМҚ, АБОС ва КДШҚнинг гидравлик фаоллиги, МХларнинг фаол минерал қўшимчалар учун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди, аммо улар пуццоланлик қобилиятига эга бўлиб, унинг камайиши бўйича қуйидаги тартибда жойлашади: ТФМҚ→АБОС→КДШҚ→Оҳактош.

3. Ўрганилаётган қўшимчаларнинг кимёвий фаоллигини ошириш учун, ПЦнинг гидратланиш фаоллигини ва мустаҳкамловчи таъсирини кучайтирувчи композицион қўшимчалар тузиш тавсия этилди.

4. "ТФМҚ – оҳактош - АБОС" ва "ТФМҚ – оҳактош - КДШҚ" ингредиентлардан ташкил топган КҚли ПЦларни янги таркиблари ва олиш технологиялари ишлаб чиқилди.

5. Юқори ҳароратли клинкерни 20% гача янги турдаги КҚлар билан алмаштириш ва фаоллиги ПЦ400-Д0 даражасида бўлган ПЦ400-КД20 маркали ПЦ олишни таъминлаш имконияти исботланди.

6. КҚли янги турдаги КҚПларнинг мустаҳкамликка эришиши, гидратланиш жараёнини бир текис кечиши, гидратли маҳсулотларнинг шаклланиши, янги ҳосилаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, цемент композити микротузилмаси шаклланиш генезиси омиллари қулай шароитлар яратилганлиги билан илмий асосланди.

7. ГОСТ 31108-2020ни ЦЕМ I 32,5 синфига ва О'з DSt 2830:2014ни ПЦ400-КД20 маркали портландцементларга қўйган талабларига мувофиқ келган янги турдаги КҚли КПЦларни олиш технологиясининг блок - схемаси ишлаб чиқилган ва амалий фойдаланишга тавсия этилган бўлиб, уларни ишлаб чиқариш технологияси «Qizilqumsement» АЖ да жорий қилинган.

8. КҚ нинг янги турларини қўллашнинг технологик ва иқтисодий самарадорлиги асослаб берилган, улардан фойдаланиб қимматбаҳо ПЦ клинкерини 20% гача тежашга ва уларнинг таркибига кўра, ПЦ нархини 43 775,31 сўм/т. дан 44 209,36 сўм/т гача пасайтиришга эришилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ИНСТИТУТА ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ТУРСУНОВА ГУЛСАНАМ РУЗИМУРДОВА**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ПОРТЛАНДЦЕМЕНТОВ  
С НОВЫМИ ВИДАМИ КОМПОЗИЦИОННЫХ ДОБАВОК**

**02.00.13-Технология неорганических веществ и материалов на их основе  
02.00.15- Технология получения силикатных и тугоплавких неметаллических  
материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**



Тема диссертации ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером B2022.4.PhD/T3241 в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций

Докторская диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	<b>Атабасев Фаррух Бахтиярович</b> доктор технических наук, старший научный сотрудник		
Официальные оппоненты:	<b>Кучаров Бахром Хайриевич</b> доктор технических наук <b>Юнусова Фарида Рахмонбердиевна</b> кандидат технических наук, доцент		
Ведущая организация:	<b>Навоийский</b>	<b>государственный</b>	<b>горно-технологический университет</b>

Защита диссертации состоится «14» март 2023 г. в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Разового Научного Совета DSc.02./30.12.2019.K/T.35.01 при Института общей и неорганической химии (адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanrux@mail.ru](mailto:ionxanrux@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (Зарегистрированной номер № 33). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90

Автореферат диссертации разослан «01» март 2023 года  
(протокол реестра № 33 от «01» март 2023г.)



<b>Б.С. Закиров</b> Председатель разового Научного совета по присуждению ученой степени, д.х.н., профессор
<b>Д.С. Салиханова</b> Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор
<b>Ш.С. Намазов</b> Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению учёной степени, д.т.н., профессор, академик АН РУз

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире на сегодняшний день наиболее экономически эффективным направлением является уменьшение клинкерной части в цементе, обеспечивающее одновременно снижение затрат на топливно-энергетические и природные сырьевые ресурсы в цементной промышленности. Производство композиционных цементов осуществляется путем гидратационного легирования на стадии помола портландцементного (ПЦ) клинкера минеральными добавками природного и техногенного происхождения, не оказывающих снижения их качественных показатели, так как разработка добавок-заменителей на основе местного сырья способствует увеличению объема производства, снижению себестоимости и решает проблему дефицита цемента.

В настоящее время в мире ведутся исследования по разработке качественных видов и технологии производства цемента с применением новых видами композиционных добавок (КД). В связи с этим актуализируются оптимизация составов добавочных цементов и совершенствование технологии их производства; разработка научно-технологических основ получения низкотемпературных клинкеров на основе новых видов природного и техногенного сырья; сокращение времени твердения композиционных цементов в воде, улучшение физико-механических и строительно-технических свойств; особое внимание уделяется разработке новых видов гибридных композиционных цементов и технологии производства.

В республике достигаются определенные научно-практические результаты благодаря наличию в стране природных сырьевых, топливно-энергетических ресурсов, необходимых для производства портландцементов с новыми видами композиционных добавок (КПЦ), в получении продукции, соответствующей государственным стандартам. В разделе указа Президента «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»<sup>1</sup> названной «Развитие национальной экономики, обеспечение ее роста на уровне современных требований» «Производство новых видов материалов и технологий с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, обеспечение конкурентоспособности отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках» отмечены важные задачи. В связи с этим, важных для экономики и актуальны исследования по разработке новых видов импортозамещающих портландцементов с композиционными добавками на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», ПП-3696 «О дополнительных мерах

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

по стабильному обеспечению внутреннего рынка цементом» от 4 мая 2018 года, ПП-4198 «О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию промышленности строительных материалов» от 20 февраля 2019 года, ПП № 4335 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» от 23 мая 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VII – «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** По всему миру производством композиционных портландцементов занимались С.И. Дружинин, В.М. Юнг, В.Ф. Журавлев, И.И. Боженков, П.П. Будников, И.М. Бутт, Л.В. Волженский, В.В. Тимашев, П.Г. Комохов, Т.В. Кузнецова, Л.Г. Шпынова, Е.Ю. Ермилова, А.С. Брыков, В.К. Козлова, А.М. Маноха, А.А. Лихошерстов, Е.В. Мануйлов, Е.Ю. Малова, М. Heikal, Л.Я. Крамар, А.А. Кирсанова и другие.

Учеными нашей страны И.С. Канцельским, М.Г. Гулямовым, Т.А. Атакузиевым, М.И. Искандаровой, Б.И. Нудельманом, М.Я. Бикбау, З.П. Пулатовым, А.А. Тулягановым, Ф.Б. Атабаевым, А. М. Искендеровым, Г.Б. Бегжановой, З.А. Мухамедбаевой, Н.Р. Рузиевым и другими также проведены широкомасштабные научные исследования по данной теме.

Вместе с тем, в отрасли имеются проблемы, связанные с нехваткой активных минеральных добавок и добавок-наполнителей: изыскать новые источники и исследовать технологические свойства местных природных и техногенных минеральных сырьевых ресурсов; определить их пригодность как добавок для цемента; разработать новые виды композиционных добавок и малоклинкерных цементов на их основе, позволяющих экономить клинкерную составляющую, увеличить объем производства и снизить его себестоимость; изучить механизмы гидратации и структурообразования ПЩ с новыми видами КД; расширить ассортимент КЩ и совершенствовать технологии их производства, что является актуальной проблемой, требующей своего решения.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного заведения, в котором она была выполнена.**

